

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2023 йил май ойининг 23 куни жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Шаҳрихон туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Шаҳрихон туман судининг раиси А.Дадаханов, А.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан - давлат айбловчиси Шаҳрихон туман прокурорининг ёрдамчиси А.Отажонов, жабрланувчилар Д.Парпиев, О.Жўраев, судланувчи Н.Содиқова ва унинг ҳимоячиси Шаҳрихон туман “Shahrixon huquqni himoya qilish” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Алижоновларнинг иштирокида, Содиқова Наргизахон Муминовнага оид жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Содиқова Наргизахон Муминовна (Sodiqova Nargizaxon Muminovna), 1974 йил 24 мартда Бўстон (Бўз) туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, фарзанди йўқ, 2-гурух ногирони, умрбод ногиронлик нафақасида, муқаддам: жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2019 йил 19 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а, в” бандлари билан ЖКнинг 62, 72-моддалари тартибида узил-кесил 7 йил 9 ой 7 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли ҳукм қилиниб, 2 йил синов муддати белгиланган, синов муддати 2022 йил 13 январда тўлиқ ўталган, Шаҳрихон тумани, Мустақиллик МФЙ, М.Жалил кўчаси, 24-уйда яшайди, шахсий кафилликка бериш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 1 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а, б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни



## А Н И Қ Л А Д И:

Содиқова Наргизахон Муминовна қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этишган.

Н.Содиқова илгари фирибгарлик жинояти учун судлангани ҳолда, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, жиноятдаги шериги (қисми терговда ажратилган шахс) билан ўзаро олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2017 йил апрель ойида Фарғона вилояти, Қува тумани, Қашқар МФЙ, Қуриқ кўчаси, 58-уйда яшовчи фуқаро Парпиев Донёрбек Хаётжоновичнинг ишончини суиистеъмол қилиб, унинг ўзи ва укасини ишлаш учун 18 кун ичида қонуний тартибда Жанубий Корея давлатига жўнатиб юборишини ваъда қилиб, 2017 йилнинг апрель ойидан 2021 йил ноябрь ойига қадар бўлган вақт мобайнида Д.Парпиевнинг бўлиб-бўлиб кўп миқдордаги жами 128.816.600 сўмга тенг 12.100 АҚШ долларини қўлга киритиб, пулларни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, Д.Парпиевларни хорижга ишга юбормасдан ёки пулларини қайтариб бермасдан хавфли рецидив фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Бундан ташқари, Н.Содиқова илгари фирибгарлик жинояти учун судлангани ҳолда, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, дастлабки терговда аниқлашни имкони бўлмаган шахс (қисми терговда ажратилган) билан ўзаро олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2017 йил апрель ойида Шаҳрихон тумани, Шокирбой МФЙ, Чорчаман кўчаси, 189-уйда яшовчи фуқаро Жўраев Олимжон Абдухакимовичнинг ишончини суиистеъмол қилиб, унинг фарзандини ишлаш учун тўрт ой муддат ичида қонуний тартибда Жанубий Корея давлатига жўнатиб юборишини ваъда қилиб, 2017 йилнинг апрель ойидан 2021 йил март ойига қадар бўлган вақт мобайнида О.Жўраевнинг жами 20.880.000 сўмга тенг 2000 АҚШ долларини қўлга киритиб, пулларни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, О.Жўраевнинг фарзандини хорижга ишга юбормасдан ёки пулларини қайтариб бермасдан такроран хавфли рецидив фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Н.Содиқова Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а, б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этган.



Н.Содиқованинг айби дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда текширилган қуйидаги далиллар мажмуи билан тасдиқланди.

Судланувчи Н.Содиқова судда, айбловга қисман иқдор бўлиб, 2017 йил бошларида таниши А.Абдуманнопов билан бирга Шаҳрихон тумани, Муллабой МФЙ қарашли жойда “SAMONUR” номли кўп қаватли бинонинг иккинчи қаватида жойлашган “Nargiza Invest номли” МЧЖни ўзининг номига очганини, шу жамият орқали фуқароларни Жанубий Корея давлатига қонуний тартибда ишга юборишмоқчи бўлганини, 2017 йил август ойида унинг олдида Д.Парпиев келиб Жанубий Корея давлатига ишга бормоқчи бўлиб истаганини билдирганини, Д.Парпиев билан бу ҳақда гаплашиб укаси И.Козимов иккисини Жанубий Корея давлатига жўнатиши учун уларнинг фуқаролик паспортларидан нусхалар, яшаш жойидан МФЙ маълумотномалари ҳамда олдиндан тўлов учун 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олиб келишини айтиб тушинтирганини, шундан сўнг, Д.Парпиев 2017 йил сентябрь ойи бошларида келишилган 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни ва ҳужжатларини олиб келиб унга берганини, Д.Парпиевга укаси билан бирга бир ойга қолмасдан Жанубий Корея давлатига ишга жўнатиб юборишини, агар амалга ошмай қолса, олинган пулларни бир йил ичида қайтариб беришини ваъда қилганини, Д.Парпиев олган 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни Шаҳрихон тумани, Бувайдо МФЙ, У.Носир кўчасида яшовчи таниши А.Абдуманноповга тўлиқ берганини, бундан ташқари, Шаҳрихон тумани, Шокирбой МФЙ, Чорчаман кўчасида яшовчи Жўраев Олимжон акадан ҳам ўғли А.Жўраевни Жанубий Корея давлатига тўрт ой муддат ичида ишга жўнатиб юбориши ҳақида айтиб, эвазига О.Жўраевдан 2000 АҚШ долларини олиб, қолган 1.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни фарзанди Жанубий Корея давлатига ишлаш учун борган вақтида беришини маълум қилганини, Д.Парпиев, О.Жўраевларнинг ишини ҳал қилиб бера олмаганини, жабрланувчи Д.Парпиевдан 12.100 АҚШ доллари миқдорида пулларни олмаганини, аслида ундан 3000 АҚШ доллари олган бўлиб, шу пулларни тан олишини, шунингдек, О.Жўраевдан 2000 АҚШ доллари олганини, қолган 1000 АҚШ долларини кейинчалик ишлар ҳал бўлгандан сўнг олишга келишилганини, О.Жўраевдан 3000 АҚШ доллари олгани ҳақида берган тилхатни шунчаки ўз ихтиёри билан рози бўлиб ёзиб берганини, О.Жўраев билан ўрталаридаги пул олди-берди миқдори аслида 2000 АҚШ доллари эканлигини, буни



О.Жўраевнинг ўзи тасдиқлаб, эътироз билдирмаслигини, Д.Парпиев, О.Жўраевларни алдаб атайин пулларини қўлга киритиб фирибгарлик қилмаганини, бу ишларни ижобий ҳал қилмоқчи бўлиб, ўзи ҳам бошқа танишларига ишониб алданиб қолганини, моддий томондан қийналиб қолганлиги сабабли, олган пулларини шу кунга қадар эгаларига қайтариб бера олмаётганини, лекин келгусида албатта Д.Парпиев, О.Жўраевларга пулларини қайтариб, моддий зарарларни қоплаш мақсади борлигини, ҳозирда яшаб турган квартирасини сотувга қўйганини, бироқ квартираси кредит маблағлари ҳисобга сотиб олинганлиги сабабли дадил ҳаридор чиқмаётганлигини, айти вақтда иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб, пенсияда эканлигини, доим уни бирон-бир ҳамроҳи ушлаб олиб юрмаса, ўзи мустақил юра олмаслигини, фарзанди бўлмасида, оиласи борлигини, лекин турмуш ўртоғи ҳам муқаддам судланиб, озодликдан маҳрум қилиниб, айти вақтда жазо муддатини ўтаётганлигини, жабрланувчилардан ва суддан кечирим сўрашини, ҳозирда мушкул, қийин аҳволда қолиб, бўлиб ўтган ишлардан афсусда эканлигини, суддан қонуний енгиллик қилишни илтимос қилиб, қилмишидан пушаймонлигини билдириб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Д.Парпиев судда, судланувчи Н.Содиқовани шу иш юзасидан билишини, унга нисбатан адовати йўқлигини, ҳақиқатан ҳам Н.Содиқова ўзини “Наргиза Инвест” номли фирмаси орқали фуқароларни хорижга ишга юбораётганини эшитиб, 2017 йил 25 августда таниши Бахтиёр билан бирга Н.Содиқовани Шаҳрихон тумани, Тараққиёт МФИда жойлашган яшаш хонадонига бориб, унга Жанубий Корея давлатига кетиш тартиби қандайлигини ва укаси И.Козимовни жўнатиб юбормоқчи эканлиги ҳақида айтганини, Н.Содиқова унга йўл ҳаражатлари учун олдиндан 3.000 АҚШ доллари берган тақдирида 18 кун ичида укасини Корея давлатига жўнатиб юборишини маълум қилганини, шундан сўнг, у эртасига яъни 26 август куни Н.Содиқовага келишилган 3.000 АҚШ доллари миқдоридеги пулларни таниши Н.Вахобов, укаси И.Козимовлар билан бирга келиб, Н.Содиқовага берганини, ўшанда Н.Содиқова агарда укаси И.Козимовни Кореяга жўната олмаса, берилган пулларни олти ой ичида қайтаришини билдириб тилхат ёзиб берганини, орадан уч, тўрт ой ўтганидан сўнг, Н.Содиқова уни ҳам Жанубий Кореяга жўнатиб юборишини айтиб ишонтиргани учун 2018 йил 15 февраль куни бир ўзи Шаҳрихонга келиб 3.000 долларни Содиқованинг қўлига бериб кетганини, 2018 йил апрель ойида Содиқова унга қўнғироқ қилиб, Кореяга кетиш учун



ҳаражатларга 1000 АҚШ доллари зарурлиги ҳақида айтганида, шу ойнанинг ўзига айтган 1000 долларни Асака туманининг марказида учрашиб пулларни берганини, чунки Н.Содиова шу пайтларда Асака тумани марказидаги кўп қаватли уйларда ижарада туриб яшаганини, орадан 10-15 кун ўтиб, Н.Содиқова яна ҳаражатлар учун деб 1000 доллар сўраганида, майли иш битса бўлди деб, сўраган пулларни Асака туманида яшаётган кўп қаватли уйга олиб бориб берганини, бундан ташқари Н.Содиқова билан Қува туманида кўришган вақтида, йўл ҳаражатлари учун деб, 1000 доллар сўраганида, айтган шу пулларни ҳам Н.Содиқовага шахсан қўли билан берганини, кейин 2018 йил июнь ойида ҳам йўл ҳаражатлари учун яна 600 АҚШ долларини Н.Содиқованинг уйига келиб бериб кетганини, шундан сўнг 2019 йил март ойларига келиб, Н.Содиқова унга қўнғироқ қилиб укаси И.Козимов иккисини Кореяга жўнатиб юборишдаги ҳужжат ишларини тезроқ расмийлаштириш масаласида 2.400 АҚШ доллари миқдорида пул керак бўлаётганлиги ҳақидаги айтгани учун бу сафар ҳам ишониб, 2020 йил ноябрь ойида 2.400 доллар пулларни Шаҳрихонга келиб шахсан Н.Содиқованинг қўлига бериб келганини, бундан ташқари Н.Содиқова 2021 йил ноябрь ойларида унга қўнғироқ қилиб бировдан пул олаётганлигини айтиб, ушбу пулларни нотариус орқали расмийлаштиришини маълум қилиб, ундан нотариусга тайёрланаётган ҳужжатлар учун деб 100 доллар бериб туришни илтимос қилганини, сўраган ушба 100 долларни Н.Содиқованинг таниши Мадамин акадан бериб юборганини, шу тариқа 2017-2021 йил ноябрга қадар бўлиб-бўлиб жами 12.100 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни Корея давлатига ишлаш мақсадида бориш учун деб Н.Содиқовага ишониб бериб келганини, лекин Н.Содиқова ваъдасини устидан чиқа олмай, уни хорижга ишга юбориш масаласини ҳал қилолмаганини, Н.Содиқова жуда кўп ваъдалар, баҳоналар қилиб, уни алдаганини, бу иш Н.Содиқованинг қўлидан келмаслигини билиб, охири берган пулларини қайтаришни талаб қилганини, лекин Н.Содиқова пулларни бермасдан кўп сарсон қилганини, охири бу ҳақда ИИБга ариза билан мурожаат қилганини, шундан сўнг бу иш очилиб, Н.Содиқовага нисбатан жиноят иши қўзғатилганини, Н.Содиқова масалани ҳал қилишда юқори лавозимларда танишлари борлигини ёки бошқа танишлари билан ҳал қилиб бериши тўғрисида айтмаганини, ҳозирда Н.Содиқова томонидан унга етказилган моддий зарар қопланмаганлигини, Н.Содиқовага нисбатан қонуний чора кўриб, 12.100 АҚШ доллари



миқдоридаги пуллари судланувчидан тўлиқ ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи О.Жўраев судда, ҳақиқатан ҳам Н.Содиқова 2017 йил апрель ойида Шаҳрихон тумани, Муллабой МФЙда жойлашган "SAMOINUR" номли савдо марказининг иккинчи қаватида "NARGIZA INVEST" МЧЖга келиб фарзанди А.Жўраевни Жанубий Корея давлатига ишга жўнатиб, юбориш мақсадида танишиб қолганини, суҳбат давомида Н.Содиқова унга ўзини ногиронлар жамиятига аъзо эканлигини, ушбу жамият орқали фуқароларни хорижга ишга кетиш осон эканлигини, фақат ойлик маошининг 10 фоизини жамиятга ўтказиб туришлиги тўғрисида маълумотларни айтиб, Корея давлатига юбориш тартибларини тушинтириб, олдиндан йўл ҳаражатлари учун 3000 доллар бериши ҳақида айтганини, кейин Н.Содиқова унга ўғли А.Жўраевни тўрт ой ичида Жанубий Корея давлатига ишга жўнатиб юборишини ваъда қилганини, моддий томондан шароити яхши бўлмаганлиги учун Н.Содиқовага ҳозир бирданига 3000 доллар бера олмаслигини, фақатгина бўлиб-бўлиб беришини айтиб шароитини тушинтирганида, Н.Содиқова унинг таклифига рози бўлганини, шундан сўнг 2017 йил апрель ойидан 2021 йил март ойига қадар имкон топганда бўлиб-бўлиб, жами 2000 АҚШ доллари миқдоридаги пуллари ўғлини Кореяга жўнатиш мақсадида Н.Содиқовага ишониб берганини, ўша вақтларда Н.Содиқова ишлар битмаса олган пуллари қайтариб беришини айтиб, ундан 3000 доллар олгани ҳақида тилхат ҳам ёзиб берганини, Н.Содиқова унга ўғлини Кореяга жўната олмай турли важларни қилиб, кўп сарсон қилиб, алдаганини, Н.Содиқовадан пуллари қайтаришни талаб қилганида ҳам Н.Содиқова пуллари бермасдан қийнаб келганини, Н.Содиқовага берган пуллари жами 2000 АҚШ доллари ташкил қилишини, 3000 доллар бермаганини, лекин ишлар битгач 1000 долларини кейинчалик берадиган бўлганини, Н.Содиқова ундан 3000 АҚШ доллари олгани ҳақида берган тилхатни Н.Содиқова шунчаки ўз ихтиёри билан рози бўлиб ёзиб берганини, судланувчи билан ўрталаридаги пул олди-берди миқдори аслида 2000 АҚШ доллари ҳисобида бўлганини, берган пуллари шу кунга қадар қайтарилмаганини, бу ишларни ортидан судланувчини бошқа шериклари бор-йўқлигини билмаслигини, бу ишда фақат Н.Содиқовани билишини, судланувчига нисбатан шу масалада даъвоси борлигини, 2000 АҚШ доллари миқдоридаги пуллари

Содиқовадан тўлиқ ундириб беришни ва унга нисбатан қонуний ра кўришни сўраб кўрсатув берди.



Гувоҳ Н.Вохобов судда, 2017 йилларда Д.Парпиев билан бирга Шаҳрихон туманига келиб, фуқаролардан сотиб олган теракларни кесиб юришган вақтда Н.Содиқова деган аёл фуқароларни Жанубий Кореяга қонуний тартиб ишга жўнатаётгани ҳақида эшитишганини, 2017 йил 26 август куни Д.Парпиев укаси И.Козимовни Кореяга жўнатиш мақсадида Н.Содиқовага олдиндан 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни бермоқчи бўлган вақтда, Д.Парпиев укаси И.Козимов билан бирга Н.Содиқованинг яшаш хонадони Шаҳрихон тумани, Терактаги МФЙ худудида жойлашган кўп қаватли уйларнинг бирига келишганини, шунда Д.Парпиев ўзи билан олиб келган 3000 долларни Н.Содиқовага берганини, бундан ташқари, Д.Парпиев билан Н.Содиқовалар ўртасидаги кейинги пул-олди берди муносабатларида ҳам гувоҳ бўлганини, кейинчалик Н.Содиқова Д.Парпиевни ўзини ҳам Кореяга ишга жўнатиб юборишини айтиб, жами 12.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олганини, бу ишларга орадан анча вақт ўтиб кетганини, қайсидир пул олди берди бўлган вақтда Н.Содиқованинг қариндоши Мадамин ака ҳам бўлганини, Н.Содиқова унинг таниши Д.Парпиевдан жами 12.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олганини тасдиқлашини, Н.Содиқова 12.000 АҚШ доллари олгани тўғрисида Д.Парпиевга тилхат ҳам ёзиб берганини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Камолов судда, унинг исми, фамилияси шахсини тасдиқловчи паспортида Комолов Назиржон бўлсада, яқинлари ва танишлари уни Мадамин деб билишини ва шу исм билан чақиришларини, ҳақиқатан ҳам Н.Содиқова унинг жияни бўлишини, Н.Содиқова бир неча йил аввал Шаҳрихон туман марказида таниши Азизбек деган бола билан бирга МЧЖ очиб ташкил қилишганини, шу МЧЖ орқали ёшларни хорижга, шу жумладан Корея давлатига ишга жўнатишмоқчи бўлишганини, жияни Н.Содиқова бир, икки нафар фуқароларни Кореяга жўнатмоқчи бўлиб пул олиб, Азизбек деган болага берганини, жияни Н.Содиқова билан бошқаларни ўртасида бўлиб ўтган пул олди-берди ишларига умуман унинг дахли йўқлигини, фақатгина Д.Парпиев бериб юборган 100 АҚШ долларини олиб, Н.Содиқовага бериб қўйган ҳолатда ўртада ўзи турганини, бундан бошқа ҳолатларда пул олди бердиларида иштирок этмаганини, Н.Содиқованинг ишларидан моддий манфаатдор бўлган жойи йўқлигини, жияни Н.Содиқова иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб, ўзи дадил мустақил юра олмаслигини, доим битта одам унинг ёнида кўмаклашиб туриши кераклигини, шунинг учун ҳам



дастлабки тергов даврида ва судда ҳам жиянини олиб келиб ёрдамлашиб турганини, Н.Содиқованинг соғлиги, моддий аҳволи яхши эмаслигини, жисмонан ногиронлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ф.Абдуфаттохов судда, Шаҳрихон тумани ИИБ хузуридаги Тергов бўлинмаси терговчиси лавозимида хизмат қилишини, ҳақиқатан ҳам судланувчи Н.Содиқовани Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а, б” бандлари билан айблаганга оид жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини олиб борганини, аниқланишича Н.Содиқова ўзининг танишлари билан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2017-2021 йиллар давомида фуқароларни турли йўллар билан ишонтириб, алдаб, Жанубий Корея давлатига ишга жўнатиб юборишларини ваъда қилиб, жумладан Д.Парпиевни жами кўп миқдордаги 12.100 АҚШ долларини, бундан ташқари фуқаро О.Жўраевнинг 3000 долларини қўлга киритиб, хавфли рецедивист бўлгани ҳолда такроран фирибгарлик жиноятини содир қилганини, тергов ҳаракатлари давомида Н.Содиқова Д.Парпиевдан 12.000 доллар олганини тасдиқлаб кўрсатувлар берганини, айти шу кўрсатувларини ҳимоячини иштирокида олинганини, моддий зарарни қоплаш масаласида Н.Содиқовага тушинтиришлар берганини, Н.Содиқова жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни бир ой муддатда тўлаши ҳақида унга ваъда берганини, лекин судланувчи бартараф қилиш чораларини кўрмаганини, ўтказилган тергов ҳаракатлари давомида ҳам судланувчи Н.Содиқова қилмишини тўлиқ тан олиб кўрсатувлар берганини, унга нисбатан тергов органи томонидан тазйиқ ёки руҳий босимлар ўтказилмаганини, тергов қилиш жараёнлари тўлиқ видео съёмка қилиб борилганини билдириб кўрсатув берди.

Н.Содиқованинг айби юқоридаги ўзининг ва жабрланувчиларнинг суддаги кўрсатувларидан ташқари, дастлабки тергов даврида тўпланган ҳужжатлар, жумладан Д.Парпиев, О.Жўраевларнинг аризалари, жабрланувчилар, пул олганлиги ҳақидаги тилхат нусхалари, гувоҳларнинг тушунтириш хатлари, сўроқ қилиш ва юзлаштириш баённомалари, ишга илова қилинган тергов ҳаракатлари қайд этилган CD дискда акс эттирилган ҳолатлар юқорида баён этилган айблов тафсилотларига тўла мос келиб, далиллар мажмуини тўлдириб, судланувчининг ҳукм фабуласидаги айблари тўлиқ тасдиқланди.

Суд, жиноят ишида тўпланган Н.Содиқовани ҳам блайдиган, ҳам оқлайдиган далилларнинг ҳар бирини бекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси асосида баҳолаб,



юқорида қайд этилган далилларнинг ҳар бири ва унинг мажмуи, унинг айбини тасдиқловчи бўлганлиги туфайли ишга алоқадор деб, қонунда белгиланган тартибда тўпланганлигини назарда тутиб, уларни мақбул деб, суриштирув, дастлабки тергов даврида ва судда бир хил баён қилинганини ва мантиқан бир бирига мос ва ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи бўлганлигини назарда тутиб, ҳуқуқий онгга амал қилиб, уларни ишончли деб баҳолаб, айти вақтда, далилларнинг мажмуини Н.Содиқовани ЖПКнинг 82-моддаси асосида айблаш ва ҳукм қилиш учун етарли деб ҳисоблайди.

Суд, Н.Содиқованинг жабрланувчи Д.Парпиевдан 12.100 АҚШ доллари олмагани, аслида ундан 3000 АҚШ доллари олган бўлиб, шу пулларни тан олиши, Д.Парпиевни алдаб атайин пулларини қўлга киритиб фирибгарлик қилмагани, ўзи ҳам бошқа танишларига ишониб алданиб қолгани, пулларни ўз вақтида қайтариб беролмагани тўғрисидаги кўрсатувларини муҳокама қилиб, унинг содир этган ҳаракатлари жабрланувчи ва гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган шахсларнинг кўрсатувлари ҳамда ишда тўпланган далиллар йиғиндиси билан рад этилиб, у томонидан бу важлар жазони енгиллаштириш ва жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни тўлашдан қутилиш мақсадида ўйлаб топилган деб баҳолайди.

Дастлабки тергов органи томонидан тузилган айблов хулосанинг иккинчи эпизодида, Н.Содиқова томонидан (қисми ажратилган шахс билан гуруҳда), 2017 йил апрель ойида жабрланувчи Жўраев Олимжон Абдухакимовичнинг ишончини суиистеъмол қилиб, унинг фарзандини ишлаш учун тўрт ой муддат ичида қонуний тартибда Жанубий Корея давлатига жўнатиб юборишини ваъда қилиб, 2017 йилнинг апрель ойдан 2021 йил март ойига қадар бўлган вақт мобайнида О.Жўраевнинг жами 31.320.000 сўмга тенг 3000 АҚШ долларини қўлга киритиб, такроран хавфли рецидив фирибгарлик жиноятини содир қилганликда айбланган;

- иш ҳолатларига кўра, тергов даврида тўпланган ва суд мажлисида текширилган далиллар мажмуи ҳамда судланувчи, жабрланувчининг судда берган қатъий кўрсатувлари ва уларнинг ўрталарида ўтказилган юзлаштиришлардан аниқланишича О.Жўраев 2000 АҚШ долларини судланувчи Н.Содиқовага бергани, 1000 АҚШ долларини кейинчалик ишлари хал бўлгандан сўнг беришга келишгани, 3000 АҚШ доллари олгани ҳақида берган тилхатни Н.Содиқова шунчаки ўз ихтиёри билан рози бўлиб, О.Жўраевга ёзиб бергани, судланувчи ва



жабрланувчининг ўрталаридаги пул олди-берди миқдори аслида 2000 АҚШ доллари ҳисобида бўлиб, бу ҳолатни ҳар икки томон тасдиқлагани аниқланиб, фирибгарлик жиноят натижасида О.Жўраевга етказилган моддий зарар миқдори 2000 АҚШ доллари бўлганлиги туфайли, шу ҳақда айбловга тегишинча ўзгартириш ва аниқлик киритиш лозим бўлади.

Юқоридагиларга кўра суд, Н.Содиқованинг илгари фирибгарлик жинояти учун судлангани ҳолда, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан жабрланувчи Д.Парпиевнинг кўп миқдордаги 128.816.600 сўмга тенг 12.100 АҚШ долларини, О.Жўраевнинг 20.880.000 сўмга тенг 2000 АҚШ долларини қўлга киритиб, иккита эпизодда содир этган такроран хавфли рецидив фирибгарлик жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисмининг “а, б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланиши, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши, 4-бандида, Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги, объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга — судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги хулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к. лар кириши ҳақида тушунтиришлар  
рилган.



Суд, Қонун талабидан ва Олий суд Пленумининг қароридаги тушунтиришлардан келиб чиқиб,

- Н.Содиқовага жазо тайинлашда, у томонидан содир этилган оғир жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан бирга, айбига қисман иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, аёл кишилигини, оиласи борлигини, 2-гуруҳ ногирони бўлиб, умрбод ногиронлик нафақасида эканлигини Жиноят кодексининг 55-моддаси асосида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, илгари ҳам қасддан содир этган жинояти учун судлангани ҳолда, қасддан янги жиноят содир қилганини, жиноятни ғараз ниятда содир қилганини Жиноят кодексининг 56-моддаси асосида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар қопланмаганлигини, жабрланувчилар қонуний чора кўришни сўрашганлигини эътиборга олиб, унга нисбатан содир этган жинояти учун қонун санкцияси доирасида муайян ҳуқуқдан яъни, моддий жавобгарлик вазифаларда ишлаш ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш, шунингдек, тайинланадиган жазога илгарги ҳукм билан ЖКнинг 72-моддаси асосида тайинланиб, 7 йил 9 ой 7 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг шартлилигини бекор қилиб, жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида қисман қўшиш йўли билан қўшиб, ҳукмлар мажмуи бўйича узил-кесил моддий жавобгарлик вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш, бироқ, уни аёл кишилиги, 2-гуруҳ ногирони бўлиб, умрбод ногиронлик нафақасида эканлиги, қилмишидан пушаймонлигини эътиборга олиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келиб, Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаб, тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли ҳукм қилиб, синов муддати белгилаш, синов муддати давомида унга муайян мажбуриятлар юклаш унинг устидан кузатув олиб боришни Шаҳрихон тумани ИИО Пробаця гуруҳи зиммасига юклаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида”ги 21-сонли қарори, 8-бандининг 2-хатбошисида, жиноий тажовуз оқибатида етказилган моддий зарар миқдорини аниқлашда, мулкнинг моддий зарарни ундириш ҳақида қарор



чиқарилаётган кундаги нархини инобатга олиш зарурлиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Ижтимоий тармоқнинг интернет сайти маълумотномасига кўра, 2023 йил 23 май ҳолатига 1 АҚШ долларининг қиймати 10.440 сўмни ташкил қилган.

Суд, жиноят оқибатидаги моддий зарарларни ундириш масаласини юқоридаги Олий суд Пленумининг қароридаги тушунтиришлардан келиб чиқиб, муҳокама қилиб,

- судланувчи Н.Содиқовадан жабрланувчи Д.Парпиевга 138.545.000 сўм, жабрланувчи О.Жўраевга 22.900.000 сўм зарарларни ундириш;

- жиноят ишига илова қилинган 1 дона CD дискни жиноят иши билан бирга сақлаш ҳақида белгилаш лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л А Д И:**

Содиқова Наргизахон Муминовна (Sodiqova Nargizaxon Muminovna) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а, б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Содиқова Наргизахон Муминовнага Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а, б” бандлари билан 2(икки) йил моддий жавобгарлик вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 5(беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Содиқова Наргизахон Муминовнага тайинланган жазога илгарги ҳукм билан ЖКнинг 72-моддаси асосида тайинланиб, 7 йил 9 ой 7 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг шартлилигини бекор қилиб, жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида қисман кўшиш йўли билан кўшиб, ҳукмлар мажмуи бўйича узил-кесил 2(икки) йил моддий жавобгарлик вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 5(беш) йил 3(уч) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Содиқова Наргизахон Муминовнага нисбатан ЖКнинг 72-моддасини кўллаб, уни озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли ҳукм қилиб, 3(уч) йил синов муддати белгилансин.

Содиқова Наргизахон Муминовнага яшаш жойи ўзгариб қолган тақдирда бу ҳақда хулқини назорат қилиб борувчи органга бар бериш, ҳар ойда камида бир марта ички ишлар бўлимига либ рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятлари юклатилсин.



Ҳукми ижро қилиш ва судланганнинг ҳулки устидан назорат олиб бориш Шаҳрихон тумани ИИБ Пробацяя гуруҳига зиммасига юклатилсин.

Содиқова Наргизахон Муминовнага синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартибини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг ҳулки устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига асосан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкинлиги тушунтирилсин.

Содиқова Наргизахон Муминовнага тайинланган синов муддати ҳукм чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланиши белгилансин.

Содиқова Наргизахон Муминовнага нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи Н.Содиқовадан жабрланувчи Д.Парпиевга 138.545.000 сўм, жабрланувчи О.Жўраевга 22.900.000 сўм моддий зарарлар ундирилсин.

Жиноят ишига илова қилинган 1 дона CD диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчига, жабрланувчиларга эса ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан йигирма сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтиришга ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: (имзо)  
 Ҳукм нусхаси аслига тўғри,  
 жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон  
 туман судининг раиси:

А.Дадаханов

А.Дадаханов



**Маъсул судья: Дадаханов Адхам Хаджиевич**



Хужжат имзоланган: Дадаханов Адхам Хаджиевич, 16.06.2023

